

YOSHILAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Сайтмига ағдаш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN



2018-YIL 28-AUGUST SESHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@gmail.uz

100 (16257)

XALQARO HAMKORLIK



ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

Хитой Халқ Республикасининг "Умумжаҳон ёшларни ривожлантириш форуми" ташкилоти ижрочи президенти Си Лю хоним бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди.

Илк учрашув Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида ўтказилди. Бу ерда делегация аъзоларини Марказий Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари – "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ижрочи директори Бунёбек Баҳромбеков қабул қилди. У меҳмонларга жамғарманинг мақсади, амалдаги фаолияти, ўтган давр мобайнида бажарил-

БИЛАН ТАНИШАМИЗ

ган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берди.

Хитойлик мутахассислар шахсий бизнесини бошлаш истиқомидидаги ўзбекистонлик йигит-қизлар ҳамда ёш тадбиркорларни соҳадаги илғор хорижий тажриба билан таништириш мақсадида келган. Ҳафта мобайнида улар Тошкент шаҳри, Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги Ёшлар марказларида бўлиб, шароитлар билан яқиндан танишди. Қолаверса, янги барпо эти-

лаётган "Ёш тадбиркорлар" коворкинг-марказлари, Ёшлар меҳнат гузарлари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ўз маслаҳат ва тавсияларини берди. "Бизнес-таълимнинг замонавий йўналишлари: Хитой тажрибаси" мавзусида маҳорат дарслари, шунингдек, тарихий шаҳарларимиз ҳамда ёш тадбиркорлар раҳбарлик қилаётган корхоналарга саёҳат уюштириш ҳам режалаштирилган.

Жавлон ВАФОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданият ва маънавий меросни сақлаш ҳамда кўпайтириш, халқимизни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, моддий-техник базани яхшилаш ва халқаро маданий алоқаларни мустақамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада маданият ва санъатни янада ривожлантиришга тўққонлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжуд. Жумладан:

биринчидан, меценатлар ва ҳомийлар ёрдами билан жабб қилишни рағбатлантирадиган самарали ҳуқуқий механизмларнинг йўқлиги республика маданият ва санъат муассасалари фаолиятини, энг аввало, муқобил манбалар ҳисобидан муносиб тарзда молиялаштиришни таъминлаш имконини бермаяпти, бу эса бюджет маблағларига ҳаддан ортиқ қарамликни келтириб чиқармоқда;

иккинчидан, ходимларнинг касбга тайёргарлик даражаси ҳамда маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифати замонавий талабларга ва халқаро стандартларга мос келмайди, бу эса уларнинг маҳаллий ташриф буюрувчилар ва туристлар учун жалб этувчанлигини пасайтирмоқда;

учинчидан, маҳаллий маданият ва санъат муассасаларининг жаҳон маданий маконига пухта ин-

теграция қилинмаганлиги мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантиришда ва минтақанинг маданий маркази сифатидаги маконини мустақамлашда мавжуд бой маданий-тарихий меросдан ҳамда маданият ва санъатнинг замонавий йўналишларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, маданий мерос объектлари, республиканинг музей, архив, кутубхона ва бошқа жамғармалари бутлигини таъминлашга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти, бу эса мамлакат маданий-тарихий меросини сақлаш ва оммалаштиришга комплекс ёндашиш имконини бермаяпти.

(Давоми 2-саҳифада)

МУСТАҚИЛЛИК

27 йил

MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA



ЭНДИ МЕН ҲАМ МУАЛЛИМ

Яратганга беҳисоб шукрки, озода ва обод юртининг бахтиёр фарзандиман. Оилам тинч, яқинларим соғ-саломат. Келажакимни юксак мақсадлар асосига қўряпман.

Қишлоқда туғилиб, ўсдим. Болаликдан кўп ўқиб, изланардим. Ўзим хоҳлаган олайгоҳга ўқишга кирдим. Мана, бу йили Нукус давлат педагогика институтини муваффақият билан тавомлаб, олий маълумотли мутахассис бўлдим. Мен учун яна бир баланд марра забт этилди.

Шаҳардан қишлоққа қайтган, иш масаласида Ёшлар иттифоқининг туман кенгашига мурожаат қилдим. Менга меҳнат ярмаркасида қатнашиб кўришни тавсия қилишди. Айтилган вақтда, айтилган жойга бордим. Кадрларга талабгор ташкилоту корхоналар ўзимизда ҳам бисёр экан. Таъбиқ-диққат, малакамизга қараб танлайверасиз. Кутиманганда ўзим таълим олган мактаб директори йўлимга пешвоз чиқди. Она тили ва адабиёти ўқитувчиси этишмаётганини айтди. Ҳеч иккиланмай, мактабга ишга киришга қарор қилдим. Бу ҳаётимдаги иккинчи ута муҳим ва, уйлайманки, жуда тўғри қарор эди.

Мустақиллик даврида юртимизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинганга ўзим гувоҳиман. Ўзгаришлар шу даражадаки, энди эркак педагоглар мактабга қайтмапти, дарс беришдан уялмаяпти. Ўқувчиларнинг дубқароши ҳам тобора кенгайиб бораётди. Таълим жараёнида замонавий ва инновацион технология-

ларни, ўқитишнинг илғор усулларини қўллаяпмиз. Бу эса, устоз-мураббийдан ўзи устидан тинмай ишлашни, янги билим ва кўникмалар эгаллашни талаб қилади.

Ўз-ўзимни кўп тафтиш қиламан. Нималарга эришдим, яна қандай марраларни забт этмоғим керак, қабиллимаги саволлар ҳаёлимда айланаверади. Албатта, уювқлар инсонга руҳий таълим бағишлайди. Лекин оз билан чекланмаслик, ҳаракатдан тўхтамаслик керак. Нафсини қондирмоқ ҳамда чет элман-чет эл саргардон бўлиб юрган баъзи ёшларни кўз олдимга келтираману, таъба дейман. Ахир, шундай жаннатмақом дийёрда одам фақат яраб яшаши мумкин-ку. Тинчлик, саодатнинг баҳоси йўқ. Ватангадоликда ҳалолат топиб бўлмайди.

Сентябрь яқин... Ҳадемай, йигирма уч ёшли устоз болаларга сабоқ бера бошлайди. Қандай бахт-а! Мана, мустақилликнинг менга берган тенгсиз имконияти! Мен уни ҳеч нарсасга алмаштираман!

Шоҳрух ИБДУЛЛАЕВ, Боғот туманидаги 2-айрим фанлар чуқур ўргатилмаган, имтиёслаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси

KUN MAVZUSI

МАКТАБГА ШАЙЛАН, БОЛАКАЙ!



Ёзги таътил ҳам охирида бўлади. Ота-оналар янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари билан банд. Республикаимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган 1 минг 325 та мактаб ярмаркаси юрдошларимизнинг оғирини енгил қилмоқда.

Ярмаркалар 10 сентябрга қадар давом этади. Улардан бирига пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи мезбонлик қилди.

Ҳақ таълими вазирлиги ташаббуси доирасида ота-оналар ўқув куроллари, дарсликлар, қўшимча адабиётларни харид қилиш имконига эга бўлди. "Баркамол авлод" республика болалар ижодиёти марказидаги тўғаракларга аъзо болалар томонидан ясалган хунарманлик ва техник буюмлар кўрсатмаси ништорқилларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

— Уч нафар фарзандим мактаб ўқувчиси, — дейди Миробод туманида истиқомат қилувчи Гаўҳар Ҳасанова. — Ҳар йили керакли нарсаларни мактаб ярмаркасида сотиб оламан. Бугунги кўргазма менга жуда манзур бўлди. Нархлар ҳаёмонбоп, пластик карталар орқали ҳам савдо қилинапти. Ўқув

куроллари билан бирга бадий ва аудио китобларни харид қилдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги қарорига асосан, юртимизда давлат умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун ягона мактаб формаси жорий қилинди. Ҳозирча ўғил-қизларнинг мактабга формада келиши ихтиёрий. Лекин келгуси ўқув йилидан мажбурий этиб белгиланади. Ярмарка доирасида янги

эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.

Қолаверса, тез орада педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган "Устоз овози" виртуал инспектори ва телеграм-ботини, шунингдек, www.ustoz ovozi.uzedu.uz субсайти ишга тушиши маълум қилинди. Бундай ўзгаришлар соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш имкониятини яратди.



Т.БҲУТНБОВЕВА

SPORT

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

XVIII Осиё ўйинлари авж палласига чиқди

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин мусобақа финалида хитойлик рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медаль соҳибига айланди. Бу орқали у Осиё ўйинлари фотиби бўлиш баробарида 2020 йили Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ўйинлари лицензиясига ҳам эга бўлди.

Шунингдек, Сўхроб Ҳўжаев боқсон улоқтириш баҳсларида 74,06 метр натижа кўрсатиб, бронза медалга сазовор бўлди.

Каратэ баҳсларида Барно Мирзаева ва Садриддин Сайматов жамоамиз ҳисобига яна иккита бронза медали ёздирган бўлса, Баҳринисо Бобоева кумуш медални қўлга киритди.

Олимпиада чемпиони Руслан Нуридинов даст кўтаришда 191 килограмм, силтаб кўтаришда эса, 230 килограмм тошга бас келиб, Осиё ўйинлари рекордини янгилади ҳамда Ўзбекистонга навбатдаги олтин медални тўхфта этди. Айтиш керак, ушбу медал ўзбекистонлик оғир атлетика-

чилар учун Осиё ўйинлари тарихидаги биринчиси. Яна бир атлетимиз Рустам Жангабоев бронза медалига лойиқ кўрилди. Омадой Отақўзиёва эса, кумуш медал соҳибига айланди.

Пенчак силат беллашувларида ярим финалда индонезиялик Иқбал Пратамага мағлуб



бўлган спортчимиз Абдумалик Салимов ҳам бронза медали билан кифояланди. Аяни пайда вакилларимиз 6 та олтин, 13 та кумуш ҳамда 12 та бронза билан умумжамоа ҳисобида ўн биринчи ўринда бормоқда.

Осиё ўйинлари давом этмоқда.

Шерзод МАҲМУДОВ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA MADANIYAT VA SAN'AT SOXASINI INNOVACION RIVOJLANTIRISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

(Boشلаниши 1-саҳифада)

Маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришни таъминлаш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, аҳолининг уларга бўлган қизиқишини рағбатлантириш, мамлакатимизнинг жаҳон маданият маконига интеграциялашувини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади), Молия вазирлиги ва Инновацион ривожлантириш вазирлигининг қўйидагиларни назарда тутувчи **Музейлар реновация дастурини** (кейинги ўринларда – Реновация дастури) эксперимент тарзида амалга ошириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

музейлар бюджетининг камида 30 фоизини тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган маблағлар ҳисобидан, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали, шунингдек, музейлар бюджетининг камида 15 фоизини хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи ўзини ўзи таъминлаш принциплари асосланган музейларни молиялаштириш моделини жорий этиш;

музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан, "smart"-технологияларни (ахборот дўкончалари, 3-D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказоларни) жорий этиш;

аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологиялари кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш учун музейларнинг маъмурий тузилмасини такомиллаштириш;

хизматлари, шу жумладан, хоржий мухтаассисларни энг яхши жаҳон амалиётларига мувофиқ музейларнинг раҳбар лавозимларига очик танлов асосида жалб қилиш амалиётини жорий этиш;

мамлакатимизнинг маданият-тарихий меросини оммалаштириш ва таъиниш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;

музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташир буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларида кенг фойдаланиш;

музейларда академик тақдиротларни, шу жумладан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш орқали маҳаллий ва хоржий тақдиротчиларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш.

Белгилаб қўйилсинки:

Реновация дастури Ўзбекистон амалий санъат музейида (Тошкент шаҳри), И.Савийский номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейида (Нукус шаҳри) ва Ойбекнинг уй-музейида (Тошкент шаҳри) амалга оширилади;

Реновация дастури Жамғарма,

маҳаллий ҳамда хоржий донорлар ва меценатлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Жамғарманинг Ижро этувчи директори зиммасига Реновация дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") иловага мувофиқ тасдиқлансин:

республикада маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифат даражасини ошириш;

маданият ва санъат муассасалари ходимлари малакасини ошириш;

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Реновация дастурини, "Йўл харитаси"ни ҳамда республиканинг маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини яратиш мақсадида **Жамғармага лотерейлар ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқи берилсин.**

Белгилаб қўйилсинки:

лотерейлар ташкил этиш ва ўтказишдан тушадиган даромадлар Жамғарманинг иштирида қолади ва улардан ушбу банданинг биринчи хатбошида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланилади;

лотерей чипталарини тарқатиш ва улар буйича ютуқларни тўлаш Жамғарма билан тузилган агентлик битимлари асосида "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан амалга оширилади;

лотерей чипталари рекламаси ижтимоий реклама ахбороти ҳисобланади.

4. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Жамғарманинг харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин, унда лотерей ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан, зарур тираж ускунасини харид қилиш ва лотерейларни уюштирувчиларга қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган лицензия талаблари ва шартларини қондириш учун зарур бўлган маблағлар назарда тутилсин.

5. Лотерей ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарни белгиланган тартибда тузиладиган рўйхат буйича олиб киришда Жамғарма 2021 йил 1 сентябргача божхона тўловлари тўлашдан озод этилсин (бундан божхона расмийлаштируви учун тўловлар мустасно).

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Жамғарма ва бошқа манфаатдор идоралар, шунингдек, маданият ва санъат соҳасидаги етакчи халқаро ташкилотлар билан биргаликда икки ой мuddатда "Меценатлик фаолияти ва маданий ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин. Қонун лойиҳасида бошқалар қаторида қўйидагилар назарда тутилсин:

маданият ва санъат муассасаларига, шу жумладан, жисмоний

шахсларга ёрдам кўрсатувчи меценатлар ва ҳомийларга солиқ имтиёзлари (чеғирмалар) тақдим этиш учун ҳуқуқий асослар яратиш;

солиқ имтиёзлари (чеғирмалар) олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда маданият ва санъат муассасаларини қўллаб-қувватлаш шакллари ва услубларини кенгайтириш (муайян ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, мол-мулк ҳуқуқини бериш ва ҳоказо);

маданият ва санъат муассасаларини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий услубларини жорий этиш; меценатлик ва ҳомийлик ёрдамини олаётганларнинг ҳисоб бериш тизимини, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланиш услубидан назоратни такомиллаштириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Жамғарма, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қўйидагиларни назарда тутувчи ҳуқуқат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжамасига киритсин:

маданият ва санъат муассасаларида блокчейн технологиясида фойдаланган ҳолда Чипта операцияларининг ягона электрон тизимини (кейинги ўринларда – ЧОЯЭТ) жорий этиш ва унинг ишлаш тартибини белгилаш;

ЧОЯЭТга уланган республика маданият ва санъат муассасалари томонидан чипталарни сотиш, ҳисобга олиш ва тасдиқлаш автоматик тизимларидан мажбурий фойдаланиш;

электрон чипталарни чипта аппаратлари ва автоном босма ускуналардан фойдаланиб, электрон чипталарни, шу жумладан, чипта тарқатувчи юридик шахслар томонидан воситачилик шартномалари асосида эркин муомалага чиқариш ва реализация қилиш учун ҳуқуқий асослар яратиш;

электрон чипталар реқвизитларига, шунингдек, маданият ва санъат муассасаларининг электрон чипталарни муомалага чиқариш, ҳисобга олиш ва тасдиқлаш учун фойдаланадиган моддий-техник базасига энг кам талабларни жорий этиш;

ЧОЯЭТ доирасида чипталарни реализация қилиш буйича операцияларни химоя қилиш, чипталарни кейинчалик баландроқ нархда қайта сотиш учун ёппасига сотиб олиншига йўл қўймасликка доир чораларга энг кам талабларни жорий этиш;

ЧОЯЭТ доирасида чипталарни сотишдан тушган тушумдан ЧОЯЭТни сақлаш, шунингдек, Реновация дастурида ва "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Жамғармага юбориладиган йўғим жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Сулонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

MUSTAQILLIKNING 27 YILLIGI OLDIDAN

ISTIQLOL TUFAЙLI QAMMASI UZGARDI

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори,
академик

Инсоннинг қадри илм билан юксалади. Илми киши воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беради, ўзига ва ўзгаларга талабчан бўлишни ўрганади. Бу йўлда қанчалик равон боришимиз, жамиятда қандай ўрин тутишимиз эса, биз тарбия топган оиладаги муҳитга боғлиқ бўларкан.

Ота-онам агроном эди. Эсимни танибманки, давра-дастурхонда асосан қишлоқ ҳўжалиги мавзусида суҳбатлашардик. Дадам тошлоқ ерда помидор етиштириш буйича илмий изланишлар олиб боргани сабабли, биз, фарзандларда ҳам ерга меҳр уйғонди. Улғайганим сари биология, ботаника, айниқса, усимликлар дунёсига қизиқишим ортиб бораверди. Шу нарса мени илм чўққисига сари бошлади.

Тошкент давлат аграр университетини имтиёзли диплом билан тугатдим. Иссиқхона ҳўжаликларида зараркучлар ва касалликларга қарши курашиш буйича аввал номзодлик, кейин докторлик диссертациясини ёқладим.

Республикада уйғунлашган тизимдаги усимликларни биологик химоя қилиш буйича тақдирот олиб бордим. Бироқ агротехника тақдирот олиб бордим. Бироқ агротехника тақдирот олиб бордим.

Ахир, қишлоқ ҳўжалиги деганда, аксар ҳолда ҳаммамнинг кўз олдида пахта, галла ва айрим

полдиз экинлари келарди, холос. Янги навлар ҳам шу экинлар буйича яратиларди. Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавотлар мактапларидаю, лекин уларни экспорт қилиш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳақида ҳеч ким бош қотирмасди.

Истиқлол туфайли ҳаммаси ўзгарди. Пахта яккахокимлиги даврида томорқасигача чигит қадаб, гўза етиштиришга мажбур бўлган деҳқонларимиз мустақиллик йилларида чин маънода мулкдорларга айланди. Фермерлик ҳаракати авж олди. Ҳозир фермерларимиз мева-сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик, паррандачилик, балкичилик, асаларчилик, пиллачилик каби қатор йўналишларда истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқармоқда.

Этиборлиси, улар қишлоқ ҳўжалиги хошмашини етиштириш билангина чеқданмай, ички ва ташқи бозорга қайта ишлаш мақсудларини етказиб беришга интиломоқда. Бундан дунёда сифати, ишончли озиқ-овқат мақсудларига талаб кескин ортган



айни вақта фермерларимизнинг гўшт, сут ва мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватларини ошираётгани эътирофга лойиқ жиҳат.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борда аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилганки, пироварда натижада халқ фаровонлигини ошириш, қишлоқ жойларида саноат тармоқларини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишда аграр сектор имкониятларидан самарали фойдаланишга имкон туғилади.

Аваллари соҳага оид

агротехникалар хоржидан келтирилса, энди бари жаҳон тажрибаси асосида ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ёшларимиз орасида қишлоқ ҳўжалигига қизиқиш тўбора кучайиб бораётгани, айниқса, соҳада илм қилаётганларнинг сафи кенгаётганини айтмайсизми.

Мисол учун, Хатирчи туманида аҳоли асосан узумчилик билан шуғулланади. Шу сабабли ҳудудда бу меванинг нархи жуذا арзон. Аммо уни қайта ишлаш йўлга қўйиладиган. Президентимизнинг топиширига биноан Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда кўёш энергияси асосида ишлаб чиқариш

ишончли оқлаш. Ҳар қандай соҳани чўқур эгаллашнинг асоси билим, малака ва тажриба экан, оқил, тафаккурни кенг ёшларимиз билан халқ кўп чўққиларни забт эта олишимизга ишонманам.

"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ



Ахбор СОДИҚОВ,
Шухрат САЙДАХМАТОВ

Қашқадарё

Косонлик ёшлар бу йил Мустақиллик айёмини ҳар доимидан ўзгача кўтаринчилик билан қарши олмақда. Сабаби байрам олдидан улар учун ажойиб туҳфа ҳозирланди — "Тулбўғ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда "Ёшлар меҳнат гузарии" ва "Ёш тадбиркорлар" қоворкинг маркази фойдаланишга топширилди.

"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижроси доирасида бунёд этилган гузарда чевархона, китоб ва озиқ-овқат дўконлари, гўзаллик салони, спорт клуби, соғломлаштириш маркази каби ўндан ортиқ

хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган. Шунинг ҳисобига 28 нафар ўғил-қиз иш билан

таъминланди. Гузар ёнидаги "Ёш тадбиркорлар" қоворкинг марказида



эса, маҳаллий ёшлар бизнес режа тузиш, бухгалтерия ҳисоботини юритишни ўрганиш ва бошқа юридик турдаги хизматлардан фойдаланишни мумкин. Шунингдек, бу ерда ёш тадбиркорлар учун маҳорат дарслари, форум ва семинарлар ташкил этилади.

Тантанали маросимда иштирок этган Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши раиси Шомурод Сатторов, туман ҳокими Бахтиёр Ражабов ёшлар билан самимий суҳбатлашиб, келгуси режалари, муаммолари билан қизиқди. Шунингдек, тадбир чоғида кўенчилик, паррандачилик ва чорвачилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳолига туман ҳокимлиги ва "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан ажратилган 300 та парранда ва 10 бош қорамол топширилди.

Қорақалпоғистон

Мўйноқ туманида эса, "Ёшлар меҳнат гузарии"ни қуриш ишлари давом этмоқда. Лойиҳа қиймати 1 миллиард сўмга тенг. Гузарда маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларидан ташқари, аҳоли дам олиш маскани ҳамда янги фавора қад ростлайди. 15 нафар ёш ишли бўлади.

— Иттифоқнинг туман кенгашига "Ёшлар меҳнат гузарии"ни қуриш тақлифи билан чиқдим, — дейди ёш тадбиркор Фарход Қирықбаев. — Шу мақсадда менга 900 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган бўлди. Яна шахсий маблағимдан 100 миллион сўм йўналтиришман. Қурилиш жараёнида туман ҳокимияти ва Иттифоқнинг маҳаллий кенгаши ҳам ўз ёрдамини аямаяпти. Бу тадбиркор учун катта мадад, албатта!

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 26 август

TASHABBUS

Клара ХУДОЙБЕРГЕНОВА

ДУСТОНА СУХБАТ ВА ФОЙДАЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Нукус шаҳридаги "Ёш авлод" ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида "Тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи" лойиҳасини амалга оширди. Унга ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган 66 нафар йигит-қиз қамраб олинди.



Ташаббус жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилди. Тажрибали психологлар, спорт мураббийлари



шаклдаги машғулотлар олиб борди.

— Бу ерга келиб кўп нарсани тушундим, хатоларимдан хулоса чиқардим, — дейди Тахиятош шахридан келган Шохрухон Назаров. — Инсон қандай вазиятда бўлмасин, биронинг дилини ранжитмаслиги ва ҳақиқа хийнат қилмаслиги кераклигини англаб етдим.

Лойиҳада фаол иштирок этган 15 нафар тенгдошимизга Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши профилактик ҳисобдан чиқариш учун тавсиянома берди.

ҳамда Иттифоқ фаоллари ўн кун давомида наврасталар билан бирга бўлиб, дўстона суҳбат ҳамда турли

SHUKRONA

МУНОСИБ БЎЛИШ БАХТИ

Шерзодбек ИТОЛМАСОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси

Ёшим йигирмада. Мустақиллик даврида туғилдим, ҳур юрда камол тоялдим. Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга қарата: "Ўқиш-ўрганиш, доимий изланиш, илм-фанга, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаш доимо ҳамроҳингиз бўлсин!" — дея айтган даъватини ҳаётим ширимга айлантганман.

2017 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицейини битириб, Тошкент давлат шарқшунослик институтига ҳужжат топширдим. Афсус, омадим келмади. Лекин тушундикки тушмадим. Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига мактуб йўладим. Унда: "Мен руҳан чўкмайман. Онгим, дунёқарашимни билим билан бойитаман. "Ҳалол ва

самарали меҳнати, илмий-ижодий ютуқлари, Ватанимизга садоқатли хизмати билан барчага ўрнак бўлаётган мард ўғлонларимизни қўллаб-қувватлайман, рағбатлантираман", деган гапингиз менга ҳамиша далла бўлади. Танлаган йўлимдан қайтмайман! Ўқийман, изланаман. Халқим, юртим учун муносиб фарзанд бўлишга интиламан. Сизнинг ёнингизда туриб, бошлаган улғу ишларингизнинг

муносиб давомчиси бўлишга ваъда бераман", деган сузларни битдим.

Интилан имкон топар экан. Орадан бир йил ўтди. Тошкент давлат шарқшунослик институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим.

Дадам ҳарбий хизматчи. Юртбошимизнинг 2018 йил 14 майдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз мудоффа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётган ҳарбий хизматчилар фарзандларига республика олий таълим муассасаларига ўқишга давлат гранти асосида қабул квотаси ажратилди. Бу мендек ёшларга катта имконият яратди. Шу боис Президентимиздан чексиз миннатдорман.

Хорижий, хусусан, шарқ тилларини ўрганмоқчиман. Ўзбекистон ёшлар иттифоқига аъзо бўлиб, энг фаол тенгдошларим қаторида жонажон Ватанимизнинг янги қиёфасини яратишда ташаббускор, Ўзбекистонга муносиб фарзанд бўламан. Ило, бу мен учун улкан бахт.

AZIZ VA YAGONAMSAN, JONAJON O'ZBEKISTONIM!

ОИЛАСИДАН ХОТИРЖАМЛИК СУРУРИ

Икром АВВАЛБЕКОВ, ЎзА мухбири

Мустақиллик йилларида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб улағйтириш, ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги қарорини қабул қилиш билан боғлиқ "Ўшлар — келажикимиз" Давлат дастури тўғрисидаги

уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2015 – 2017 йилларда юртимизнинг турли ҳудудларида 4 минг 600 дан ортиқ хонадон қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги қарорини қабул қилиш билан боғлиқ "Ўшлар — келажикимиз" Давлат дастури тўғрисидаги



фармони бу борадаги ишларни тубдан янги босқичга кўтарди.

Бугун ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва узғаришлар самарасини ёшларимиз ўз ҳаёти мисолида ҳис этмоқда. Айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиши учун муносиб шартнош яратиш, бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги тизимли ишлар навқирон авлодни янги ғоя ва ташаббуслар сари руҳлантирмоқда.

фойдаланишга топширилди. Бундай уй-жойлар қурилиши келгуси йилларда ҳам белгиланган тартибда давом эттирилади. Ёшларнинг бу борадаги ҳар бир мурожаати эътиборга олинади, жиддий ўрганиб чиқилади. Номзодлар орасида, айниқса, фан-таълим, маданият, спорт йўналишларида юқори натижаларга эришган ёшлар кўп.

Жорий йилдан бошлаб Республика комиссияси Топширилган ҳисобга қўйилган

тасини шу йил ўз эгаларига топшириш режалаштирилган.

Мен учун унутимас кун

...Ҳовлида янграётган қарнай-сурнай садолари уйда телефонда гаплашаётган отамнинг овозини босиб кетаман дейди. Отам ҳам ён бермайди — овозини бир парда кўтарди:

"...Сўғдиёна" стадионини биласан... Ҳа-ҳа, сайигоҳ ҳам бор. Унга ёнма-ён кўп қаватли янги уйлар келади. Уйлар билан бир қаторда"

Отам гапини тугатиб, телефонни дераза тоқчасига қўяр экан, дастурхоннинг кам-қўстига қараётган онамга ҳазил қилади.

— Шу тоғаларига қойилмасман, — дейди орада менга кўз қисиб, — Жиззахнинг маркази ҳақида гапирялман, улар бўлса нима, қаерда, дейди қайта-қайта. Бошқаларнинг этиб келганига ярим соат бўлди-ку!

Уша кунни эсласам, ҳозир ҳам яйраб кетаман. Ҳаёл ҳаёлларга уланади.

...2018 йил 24 июнь, якшанба. Отам билан шахмат уйнаётган эдик. Ёшлар иттифоқидан кўнғироқ бўлди. Мазмунли 30 июнь кунини янги уйни тантанали топшириш маросими бўлишини, эрта-кичи кўчиб ўтишимиз лозимлигини айтди.

— Шу гап чинми, ишқилиб, — онам жавобимни кутмай давом этади. — Боламга давлат уй берди, деб кўни-кўшига мактаниб қўйганман-а?!

Бирин-кетин уйлар-жойлар бўлаётган тенқуралининг сафига қўшиларнинг рост бўлсин илоҳим...

Ҳовлида ўйнавериб терга ботган ўғлимнинг "Эна, чой-чой" дейиши онамнинг гапини бўлиб қўяди.

— Уттиз шанба бўлади, — дейди отам "фил"ни бир катта суриб, "шоҳ" берар экан. — Онанг айтганидай уй ҳақида унга-бунга гап очиб қўйганмиз. "Қўлуқ бўлсин"га қишлоқдан ҳам 20-25 беш чоғли одам боради. Яна бола-чақа дегандай. Шунга яраша тайёргарлик кўриш керак.

Кўшалоқ байрам тантанаси

Кутилганидек 30 июнь кунини қўшалоқ байрам бўлди. Жиззах шаҳридаги "Кимёгар" маҳалласида 32 хонадондан иборат тўрт қаватли "Ёшлар уйи" фойдаланишга топширилди. Барча хонадонлар меҳмонга, меҳмонлар сабаб фойдага тўлди.

бўлади. Мен бир нарсага қойил қолдим. Чойдан қуй... "Ҳовли олма, қўшни ол", деган мақол бор. Бунда ҳикмат кўп. Тўғридаги хонадон эгаси дўжодо бўйича жаҳон чемпиони экан, бу ён томонлагиси эса шойра. Ана энди шу муҳитда ўсган невараларимиз қандай инсонлар бўлишини тасаввур қилаверинг. Зур-а? Бунақасини биз орзу ҳам қилолмаганмиз.

...Уй қурган бир-икки синфдошнинг ҳашарида қатнашганман. Иморот қилиш яхши. Ўзига яраша харажати, ширин ташвиши бор. Бундай ташвишларга доим ҳавас қилганман. Ҳавас муроғга элтади, деб шунини айтсалар керак-да. Ишдан ҳориб келганимда уй ўзингича эканини ҳис қилиш чарқларининг арияти. Кўнглинг хотиржам, орзу-режаларинг бир олам. Яна ўз уйингга меҳмон қаққирининг ҳам гаши бўлмаса. Унда ҳам қилганман бунча. Ижара унинг шифтига қараб эмин-эркин ҳаёл суриш, орзу қилиш, режа тузиш осон эмас. Уша кайфият баъзан фарзандингга мириқиб эртас айтишига ҳам ҳалал беради.

Бир сафар шу гапларни Германияда магистратура босқичида таълим олаётган ўртоғимга айтганимда, у жилмайиб қўйганди.

— Европанинг кўп давлатларида бўлганман, — дегандай у ўшанда. — Уй масаласи у томонларда босқача. Кўпчиликнинг ўз бошпанаси йўқ, умр бўйи ижарада яшайдиганлар ҳам оз эмас. Уйлашимча, жамиятда фаол, уй-жойга эҳтиёжи бор ёшларга ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга давлат томонидан имтиёзли шартлар асосида уй берилиши дунёда камдан-кам ҳолиса, эҳтимол, ўхшаши йўқ амалиётдир.

Рост гап. Ўзим ҳам касбим тақозоси сабаб янги уйлар топширилиши муносабати билан ўтказилган кўп тадбирларда иштирок этганман.

Бекобод туманида ҳарбий хизматчилар оилалари учун уй топшириш маросимида бир отахон айтган гаплар ёдимда: "Борар манзилнинг тайини, оилангдан кўнглинг тўқ бўлса, ишингда унум бўлади. Шунинг учун ота фарзандига уй-жой қилиб берилаётган тинчимайди. Беш ўғилни катта қилдик, ўқитдик. Қўлдан келгунча бошпанали қилдик. Фақат кенжамизга қўлимиз сал калталик қилиб турганди. Мана, давлат уй берди — ташвишим аринди. Энди хотиржамман. Мендай минг-инглаб кекса оталарга шундай хотиржамлик бераётгани, болаларимизнинг эртасини биздан кўра кўпроқ ўйлаётган давлатимиздан беҳад миннатдоримиз. Энди сизлардан, болаларим, шу гамҳуруликча муносиб бўлиш, эл-юрт тинчилиги ва фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратни аямаслик талаб этилади".

...Нотўбқул мониторинги ёпаман. Бехитёр шифтга қарайман. Шифт эса ижара уйда қилган орзу-армонларимни ёлға солади. Овозимни баланд қўйиб «Етказганига шўқр!», дейман. Бундай шукрона келтириётган ёш оилалар, оталар эса юртимизда кўп. Ушбу қоралмаларини ўқитганлар орасида ҳам улар кўпчилиги ишончим қомил.

"TRADE CONSULT SERVICE"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2018 йил 28 сентябрь кунини соат 15:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

"ТОШШАҲАРНУР" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ҳисобида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/692ХВА бўлган "ГАЗ 53А". Бошланғич баҳоси — 10 879 000 сўм.
- 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/788ХВА бўлган "NEXIA D". Бошланғич баҳоси — 14 905 000 сўм.
- 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/810ХВА бўлган "УАЗ 31512". Бошланғич баҳоси — 7 558 000 сўм.
- 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/790ХВА бўлган "NEXIA D". Бошланғич баҳоси — 15 803 000 сўм.
- 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/720ХВА бўлган "ГАЗ 5201". Бошланғич баҳоси — 8 906 000 сўм.
- 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/699/ХВА бўлган "ГАЗ 53". Бошланғич баҳоси — 10 355 000 сўм.
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/661ХВА бўлган "МИДИБУС М24". Бошланғич баҳоси — 7 825 000 сўм.
- 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/439ВВА бўлган "КАМАЗ 55102". Бошланғич баҳоси — 12 196 000 сўм.
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/833ХВА бўлган "ПАЗ 672". Бошланғич баҳоси — 5 418 000 сўм.
- 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/834ХВА бўлган "УАЗ 562Δ". Бошланғич баҳоси — 4 342 000 сўм.
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/663ХВА бўлган "ГАЗ 66". Бошланғич баҳоси — 6 511 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/801ХВА бўлган "ТИКО". Бошланғич баҳоси — 5 395 000 сўм.
- 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/804ХВА бўлган "DAMAS". Бошланғич баҳоси — 7 918 000 сўм.
- 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/811ХВА бўлган "ГАЗ 2410". Бошланғич баҳоси — 3 750 000 сўм.
- 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/803ХВА бўлган "DAMAS". Бошланғич баҳоси — 10 829 000 сўм.
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/608СА бўлган "DAEWOO SL-50W". Бошланғич баҳоси — 8 295 000 сўм.

Ўқоридаги мулклар 2018 йил 28 сентябрь кунини сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 9, 19 ва 29 октябрь кунлари соат 15:00 да ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар иш қунали соат 09:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошлангичдан 1 (бир) иш кунини олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан кейин автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Trade Consult Service" МЧЖнинг АТБ "Туронбанк", Яшнобод филиали,

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзили ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин. Ҳувоҳнома № 011315.

TSAVOLGA 1 JAVOB



— Maktabga o'quvchini qabul qilish tartibi qanday?

Feruz KOMILOVA
Romitan tumani

Savolga huquqshunos Bahrom ILHOMJONOV javob beradi:

— Maktab yoshidagi bolalarni umumiy o'rta ta'limga qamrab olish tuman (shahar) hokimliklarining qarori bilan umumta'lim maktablariga birlashtirilgan hudud (mikrohudud) doirasida tegishli muassasa pedagog xodimlari tomonidan

bolalarni uy-ma'yuvi ro'yxatga olish orqali amalga oshiriladi.

Umumta'lim maktablarining 1-sinfiga 6-7 yoshli bolalar tibbiy xulosaga muvofiq qabul qilinadi.

Tegishli yilning 31 avgustiga qadar 6,5 yoshga to'lmagan, 1-sinfga o'qish istagini bildirgan bolalarning ot-onalari bilan umumta'lim muassasasining pedagog

xodimlari va psixologi tomonidan bolani maktabda o'qishga jismonan va ruhan tayyorlash bo'yicha tushuntirish ishlari olib boriladi.

Farzandini 1-sinfga berish uchun ota-ona quyidagi hujjatlarni topshirishi kerak:

- ✓ maktab direktori nomiga ariza;
- ✓ ota-onalarning fuqarolik pasporti nusxasi;
- ✓ bolaning tug'ilganlik haqidagi guvohnomasi;
- ✓ bolaning sog'lig'i to'g'risida tibbiy ma'lumotnoma;
- ✓ bolaning 3,5x4,5 sm hajmdagi 4 dona rangli fotosurati.

Bolalar umumta'lim muassasasining 1-sinfiga tayyorgarlik darajasidan qat'i nazar, talovsiz qabul qilinadi.

(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

DILDAGI GAPLAR

Umida SATTOROVA

MANZARA

Sunbula oyining yakshanbasi... Tong. Salqin va yoqimli shabada hali uyg'onishga ulgurmagani yuzimni silaydi. Uydagilarning ovozi quloqlarim ostida jaranglayapti. Demak, bugun ham doimgidek ish ko'p. Biroq issiqqina o'rindimdan turgim kelmay, ko'zlarimni yumib yotaverdim. To'satdan opam shoshib keldi-yu, shartta ustimdan ko'rpani tortib oldi. Seskanib ketdim.

— Qani uyg'on, kun tepaga keldi. Qiz bola ham shuncha uxlaydimi?! Dalaga kech qolamiz, — deya to'shaklarning unisidan-bunisiga o'tib, yotishga qo'ymadi.

Noiloj, supa labida turgan oftobdan suv quyib yuvindim-u, hamon uyqu tark etmagan ko'zlarimni ishqalab, ostonaga borib o'tirdim. Hamma, hatto, jonivor-u o'simliklar o'z ishi bilan ovora. Men esa, shirin tushlar olamidan chiqib, xayollar og'ushiga g'arq bo'ldim.

Nigohim beixtiyor hovli etagidagi xushbo'y sadarayhon-u, gultojxo'roz va ra'nogullar, qiyg'os ochilgan atirgullarga tushdi. Ajabo, ona tabiatning bu mitti farzandlari ham xuddi insonlar yalang' yuz-qo'llarini yuvar ekan-da! Ularning ohistagina tebrani, marjondek tovlanib turgan jajji

gulgularini shabnamlarga tutishini qarang.

Endigina ufqdan bosh ko'targan quyoshjon ham zarrin nurlarini ayamayapti. Bechora yaproqchalar, ancha ochiqqan shekilli, nurlarni shimib-shimib olmoqda. Go'yoki so'nggi imkoni qolgandek, har lahzadan umid qilib yashayotir. Qushlar ham shoxdan-shoxga qo'niib, chug'urlyadi.

Jarchi dakang xo'roz chumchug polapolaridan qolishmasdan qo'shig'ini kuylamoqda. Singlim uning muddaosini darrov tushundirdi-yu, ulami nonushtaga taklif qila boshladi. Bundan xabar topgan mushugimiz endigina sarg'aya boshlagan tok barglari orasidan o'lja uchun payt poylab turibdi. Men ham ayyorlik bilan bordim-da, uni

ko'tarib oldim.

Bog' tomondan onam ko'rindi. Qo'llarida chelak, og'irga o'xshaydi. Yugurib borib, yordamga tutindim. Hozirgina sog'ilgan issiq sut hidi dimog'imni qitiqlaydi. Sutni o'choq boshiga qo'yib, shirchoy pishirish uchun qozon tagiga o't yoqdim. Shirchoy tayyor bo'lgach, barchamiz dasturxon atrofida yig'ildik. Dasturxonimiz to'kin-sochin — barcha noz-ne'matlar muhayyo. Nonushta paytida bir kunlik reja tuzilib, ham-maga ish taqsimlanadi. Choy ichib bo'lib, yumushlarimizga kirishdik.

Qalbimni ajib hislar chulg'aydi. Boshimda tizginsiz o'ylar tug'yon uradi. Yaratganga beaddad shukr — har kunimiz mana shunday shirin tashvishlar bilan boshlanib, bundan-da totliroq yakun topmoqda.

Yuraklarimizga qo'rquv begona, bu tinch-osuda, dorilamon kunlarda oldimizga katta-katta maqsad qo'yib, olg'a qadam tashlashdan qo'rqmaymiz. Keng dalalar, gullab-yashnayotgan bog'lar, bag'ridaryo insonlar odamiylik, yaratuvchanlik ilmidan saboq beradi. Purviqortog'lar g'urur bag'ishlaydi. To'qinlanib ketaman. Qishlog'imning osmonga tutashgan ko'chasidan dala tomon borarkanman, ona diyorum jannatmakon ekaniga ishonch hosil qilaman.

BILASIZMI?

Maktabgacha ta'lim muassasasida o'quv qurollari solinadigan bolalar sumkasi (har bir tarbiyalanuvchi uchun), rangli qalam va bo'yoqlar (har bir tarbiyalanuvchi uchun), kitoblar (guruhning katta-kichikligiga qarab 15 tadan 30 tagacha), plastilin (loy) va maxsus taxtachalar



(guruhga bir dona), sanoq cho'plar (har bir tarbiyalanuvchi uchun), xo'jalik sovuni, sanitar-gigiyenik qog'oz, sovun yoki qo'l yuvish uchun gel kabi jami 600 dan ortiq turdagi o'yinlar, o'yinchoqlar, mebel, jihozlar va boshqa texnik vositalar mavjud bo'lishi shart.

Bundan tashqari, bog'chalar homiylik mablag'lari, grantlar, shuningdek, qonun hujjatlari bilan taqiqlanmagan o'zga manbalardan boshqa turdagi zarur jihozlar bilan ham ta'minlanishi mumkin.

YOSHLIK ILHOMI

— Oyijon, nega mening dadam yo'q?
— Bor, bolam, bor.
— Unda nega kelmaydi?
— Uzoqqa ketgan.
— Puli yo'qmi?
— Bas qill!
Ona atrofingizdan uyalar, bola esa, savol berishdan

to'xtamasdi:
— Aytin, puli yo'qmi?
Ona bolaning kiyimlarini to'g'rilab, qulog'iga shivirladi:
— Puli ko'p, bolam. Jim ket.
Bola volidasining tizzalarini quchoqladi:
— Puli rostdan ko'pmi?

— Ha, bolam.
Ona miyig'ida jilmaydi.
— Unda nimasi yo'q?
Ona bolakayni ko'tarib, ichkariga olib kirar ekan, shivirlab aytgan gapi diqqatimni tortdi:
— Vijdoni yo'q...

NURIYAXONIM

HIKMAT

Aql bilan hatto arslonni ushlay mumkin, ammo kuch bilan sichqonni ham ushlay olmasan.

Mahmud Koshg'ariy

DO'STIM, AVVALAMBOR, KO'NGLING BO'LSIN OBOD, QOLGANIGA YARATGANDAN TILA SABOT!



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.


XALQ BANKI

Aksiyadorlik tijorat Xalq banki jamoasi
O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining
27 yillik shodiyonasi bilan
barcha yurtdoshlarimizni
muborakbod etadi.

Jonajon O'zbekistonimizning gullab-yashnashi va ravnaqi yo'lida kuch-quvvat sizlarni hech qachon tark etmasin!

Yurtimiz doimo tinch, xonadonimiz obod, dasturxonimiz to'kin bo'lsin!

- Xalq banki yurtdoshlarimizga onlayn konversiya xizmatini taklif qiladi. Ushbu xizmatdan foydalanib siz:
- xorijiy valyutani "Xalq mobile" mobil ilovasi orqali istalgan vaqtda, istalgan davlatda mahsulot xarid qilish;
 - internet tarmog'i orqali mehmonxonalar va aviachiptalarni bron qilish;
 - internet do'konlaridan xaridlarni amalga oshirish imkoniga ega bo'lasiz.



Ma'lumot uchun: (371) 200-00-55, 120-17-70. www.xb.uz

<p>MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.</p> <p>Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich</p>	<p>TAHIRIR HAY'ATI</p> <p>Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").</p>	<p>Dizayner Abdullayev Xursid O'ktamjonovich</p> <p>Navbatchi To'maris Butunboyeva</p>	<p>«YOSHLAR OVOZI» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.</p> <p>1 belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.</p>	<p>Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz</p> <p>"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.</p> <p>Indekslar: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>Buyurtma G-836 Adadi — 12073</p> <p>Bosilgan topshiriq vaqti — 21.00 Topshirildi — 23.10 O'za yakuni — 21.25</p> <p>Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahiflandi.</p> <p>O'fset usulida bosilgan.</p>
---	---	--	---	--